



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, [tel.: \(+99876\) 46-52-511](tel:+998764652511), qumhok@exat.uz

20 21-yil “ 4 ” феврал

Қ-171 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19 январь куни Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор тарзида ўтказилган мажлисининг 3-сонли баёни ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 2 февралдаги Қ-62-сонли қарори ижроси ҳақида

Маънавий-маърифий ишлар тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш бўйича Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини туманда сўзсиз таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 январдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор тарзида ўтказилган мажлисининг 3-баёни ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 2 февралдаги Қ-62-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси (Ш.Мамадиев):

5 кун муддатда тумандаги масъул ходимлар, ташкилотлар билан биргаликда жойларда маънавий-маърифий ишларнинг ҳолатини ўрганиш

бўйича режа-жадвал ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

ҳар ойда бўлим ва ташкилотлар, туман ва тармоқ Маънавият ва маърифат кенгашининг маънавий-маърифий соҳадаги ишларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида уларга ўтказиладиган тадбирлар, амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишлари, тадбирлар мавзулари бўйича аниқ тавсиялар бериб борсин.

3. 2021 йил февраль ойдан бошлаб туман ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий маърифий масалалар бўйича ўринбосари (Н.Алланазаров), давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Бобоназаров), умумий ўрта таълим ҳамда профессионал таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларини лавозимига тайинлаш маънавият ва маърифат маркази туман бўлими билан келишилган ҳолда амалга оширсин.

4. Туман Қурилиш бўлими (Ф.Мустанов), туман Молия бўлими (Ш.Поянов) билан биргаликда тўрт ой муддатда бўш турган бинолар ва янги қурилишлар ҳисобидан ҳудудларда “Маънавият ва маърифат маскани”ни ташкил этиш юзасидан туман ҳокимлигига таклиф киритсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси (Ш.Мамадиев) тумандаги масъул ходимлар билан биргаликда:

2021 йилдан бошлаб туман миқёсида ҳудудларда маънавий-маърифий йўналишда фаолият олиб борадиган ташкилотлар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни наъмунали йўлга қўйиш бўйича анъанавий тарзда ўтказиладиган “Энг намунали маҳалла”, “Энг намунали ташкилот” “Энг намунали муассаса” танловларининг низомини ишлаб чиқиб, ташкил этсин;

барча ташкилот ва идораларда режа-жадвал асосида “Маърифат соати”ни ўтказишини йўлга қўйсин.

6. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Хидирова) туман Ёшлар ишлари агентлиги бўлими (А.Холтўраев), Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси (Ш.Мамадиев) тумандаги масъул мутасаддилар билан биргаликда 2021 йил март ойдан бошлаб ҳудудларда “Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида ҳар бир маҳалладан 5 нафардан тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган ишсиз ёшларни 1 нафар нуронийга бириктириш бўйича янги тизимни жорий қилсин.

7. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Хидирова) ҳамда масъул ходимлар билан биргаликда бир ой муддатда “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида ҳар бир маҳаллада маънавий-маърифий, тарғибот ишларини “маҳаллабай” тарзда ташкил қилсин.

8. Маданият бўлими (М.Абдуллаев) тумандаги масъул ходимлар билан биргаликда бир ой муддатда театр жамоларининг туманга гастроль сафарларини ташкил этиш бўйича йиллик режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари



М.Қултаев